



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

«27» декабрь 2021-й.

№ 07-07/9-5745 «___»-_____ 2021-й.

Беруний тумани Ҳокими
А.Сапарбаева

Хурматли Атабек Худайбергенович!

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2020-йил 12-ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги ривожланиш даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сонли Фармони ва “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4884-сонли қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳақида”ги 294-сонли қарори асосида Қорақалпоғистон Республикасида таълим-тарбия тизимини ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан 2019 йилдан бошлаб ҳар йили энг илғор педагог жамоалар орасида “Ижодкор ўқитувчилар олимпиадаси” анъанавий тарзда ўтказилиб келинмоқда. Ушбу олимпиадада Фан методистлари ва фан ўқитувчиларининг жамоа бўлиб иштирок этиши орқали методик хизмат кўрсатишнинг янги усулларини жорий қилиш ҳамда умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифати ва мазмунини ошириш бўйича тажриба алмашиш имкониятига эга бўлишади.

Бу йилги “3-Ижодкор ўқитувчилар олимпиадаси”ни (жамоада 1 нафар методист ва 4 нафар ўқитувчи) Беруний туманида ўтказиш режалаштирилмоқда. Ҳозирги кунда ушбу олимпиадага Тошкент вилоятидан 1 та жамоа, Хоразм вилоятидан 4 та жамоа, Қорақалпоғистон Республикасидаги барча туман (шаҳар)дан 17 та жамоа, Президент таълим муассасалари агентлиги тасарруфидаги Нукус шаҳридаги Президент мактаби, И.Юсупов номидаги мактаб-интернат жамоалари иштирок этиш истагини билдирган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Сиздан, Хурматли Президентимизнинг “мактабларга бориб ёрдам беришни миллий ҳаракатга айлантириш” деган эзгу ғоялари асосида бу йилги “Ижодкор ўқитувчилар олимпиадаси”ни ташкил этишда ва ғолиб бўлган жамоаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Хурмат билан,
Қорақалпоғистон Республикаси
Халқ таълими вазири

Р.Реимов

тайёрлаган А.Даулдетбаев
телефон 97 500 77 28

Xalq ta'limi tizimiga oid barcha yangiliklardan quyidagi havolalar orqali xabardor bo'lishingiz mumkin

